



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-8, (August) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

АМАНОВ Азамат Акмал ўғли
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси
мустақил изланувчиси*

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО-ХУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, гумон қилинувчи ва айбланувчини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган ҳуқуқлари, миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий меъёрлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги фикрлари ўрганилган. Шунингдек халқаро-ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига имплементация қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ушлаш, ушлаб туриш, химоячи, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ НОРМЫ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО И ОБВИНЯЕМОГО В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ ПО ДЕЛУ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются международно-правовые нормы, направленные на обеспечение прав, свобод и законных интересов подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве по делу, права подозреваемого и обвиняемого, предусмотренные Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан, национальным законодательством и международно-правовые нормы. В то же время были изучены мнения специалистов из ряда отечественных и зарубежных стран по этому вопросу. Также, основываясь на международных правовых стандартах, были разработаны предложения и рекомендации по применению Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: подозреваемый, обвиняемый, подследственный, подсудимая, задержание, защитник, дознаватель, следователь, прокурор, суд

INTERNATIONAL LEGAL NORMS AIMED AT GUARANTEEING THE RIGHTS, FREEDOM AND LEGITIMATE INTERESTS OF THE SUSPECT AND THE ACCUSED IN THE PRE-TRIAL PROCEEDINGS OF THE CASE

ANNOTATION

The article analyzes international legal norms aimed at ensuring the rights, freedoms and legitimate interests of the suspect and the accused in pre-trial proceedings, the rights of the suspect and the accused provided for by the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, national legislation and international legal norms. At the same time, the opinions of experts from a number of domestic and foreign countries on this issue were studied. Also, based on international legal standards, proposals and recommendations on the application of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan were developed.

Keywords: suspect, accused, defendant, defendant, detention, defender, investigator, investigator, prosecutor, court

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистоннинг ягона халқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний кадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимизни намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий кадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, кўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустақамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш вазифаси қўйилганлиги айтиб ўтилган [1].

Жадал ривожланаётган, очиқ ва демократик давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилган [2].

Асрлар мобайнида жиноят содир этган шахс ҳуқуқлари кафолати соҳасидаги қоида ва стандартлар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқа шу каби қатор халқаро универсал ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимига оид инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро меъёрий талаблар сифатида [3] шахсий даҳлсизлик, шаън ва қадр-қимматни ҳурмат қилиш, ҳимояланиш, қонун муҳофазасида бўлиш, айбсизлик презумпцияси, шахсий ҳаёт ва оила даҳлсизлиги, уй-жой даҳлсизлиги, эркин ҳаракатланиш, мулк даҳлсизлиги, меҳнат қилиш, дам олиш, тил ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштирган қоидалар тан олинган бўлиб, давлатларга уларни амалда тан олиш, таъминлаш ва муҳофаза қилиш каби мажбурият ва талабларни юклаш замонавий халқаро ҳуқуқнинг нормалари орқали амалга оширилади. Умуман олганда, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш жараёнида жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқларига даҳлдор бўлган нормалар мажмуини мазмунан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- ҳар бир гумон қилинувчи эга бўлиши зарур бўлган минимал даражадаги ҳуқуқларни белгилаш ва уларни кафолатлашга қаратилган қоидалар;

- алоҳида ва мустақил субъект сифатида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи гумон қилинувчи тушунчасини шакллантирувчи ва муҳим белгиларини кўрсатувчи нормалар.

Жами ўттиз моддадан иборат бўлган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”нинг 3-моддасига кўра, ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга [4].

Мазкур халқаро умумэтироф этилган қоида жиноят-процессуал қонунчилигимизда аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт (ЖПК 18-модда). Бундан кўринадики, давлат органлари айнан фуқаро ҳуқуқлари таъминланишига масъул. Қолаверса, Декларацияда ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслигига, шунингдек жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсонга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиб, суд мажлисида ошқора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча, беайб деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга эканлигига мазкур ҳужжатда алоҳида урғу берилган.

“Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамокда сақланиши мумкин эмас”лиги жиноят-процессуал қонунчилигимизда алоҳида принципнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айнан мазкур норма баҳсли бўлиб, амалдаги қонунчилигимиз бўйича гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун суд қарори талаб этилсада, лекин уларни ушлаш ёки ушлаб туриш учун суднинг рухсати талаб этилмайди. Бунда “ҳибсга олиш” шахснинг эркинлиги ва даҳлсизлигини чеклаш билан боғлиқ давлатнинг процессуал мажбурлов чораларини назарда тутган. Процессуал мажбурлов чорасини қўллаш баҳонаси билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатлари чеклаб қўйилиши мумкин эмас [5]. Бу масала қонунчилигимизда аниқ тартибга солиниши лозим.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг 18-моддасида “Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат *ҳибсда ушлаб турилган* ёки қамокда сақланган ёхуд уй қамоғида бўлган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт”лиги белгилаб қўйилган. Бундан кўринадики, “ҳибсга олиш” шахсни ушлашни назарда тутмоқда. Бунда “ҳибсга олиш” ва “ушлаб туриш” тушунчаларига синоним сифатида қарашимиз керак. Шунинг учун, ЖПКнинг 18-моддаси 2-қисми мазмунини тўғри талқин қилиш учун уни Конституциямизга мос равишда “*Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi, ушлаб турилиши, қамокқа олинishi, қамокда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.*” дея ўзгартиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Декларациянинг 8-моддасида ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун белгилаб берган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий суд томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эга эканлиги мустақамланган. Процесс иштирокчиси сифатида гумон қилинувчи қонунчилигимизда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли (ЖПК 27-модда). Қонунчилигимиздаги мазкур норма Декларацияда назарда тутилган шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаб бермайди. Давлат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят беришнинг ушбу тартиби унинг фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш нуктаи назардан асосли савол уйғотади.

Гумон қилинувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал қарорлари устидан бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқи қонунимизда аниқ белгиланмаган. Бунинг натижасида тергов органларининг қонунга хилоф равишда чиқарилган қарорлари прокурор томонидан бекор қилиниб, шахснинг қонуний манфаатлари тиклансада, суриштирувчи, терговчи томонидан қонунга хилоф равишда чиқарилган қарори учун жавобгарлик масаласи аксарият ҳолларда очиқ қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг фикрига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқи одил судлов соҳасида кафолатларни таъминлашнинг узвий элементи ҳисобланади [6].

Шунинг учун гумон қилинувчининг тергов мобайнида ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал қарорлари устидан судга шикоят қилиш тартибини белгилаб, унинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг биринчи **факультатив протоколи** инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича муҳим халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. Бу ҳужжат билан фуқаро ҳуқуқининг табиий эканлиги, унинг ҳаёти, шаъни, инсон кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги каби муҳим ҳуқуқлар кафолатланган. Шунини таъкидлаш керакки, халқаро-ҳуқуқий стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёни тизимли равишда давом этиб келмоқда.

Мазкур Пактда шахсни қамоққа олиш жараёнида унга ушлаш сабаблари ва қўйилаётган айблов мазмуни дарҳол маълум қилиниши кераклиги мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят содир этганликда айбланиб қамоққа олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судга ёки бошқа суд ҳокимияти вазифасини бажарувчи ваколатли шахсга олиб келинади. Мазкур шахс оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилинишини талаб қилиш ҳуқуқи билан таъминланади. Миллий қонунчилигимиз бўйича ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши керак ва гумон қилинувчи яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши белгиланган (ЖПК 224-модда).

Ушбу Пактга кўра, суд муҳокамасини кутаётган шахслар учун қамоқда сақлаш умумий қоида бўлмаслиги керак. Бу қоида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашнинг аниқ ва қатъий тартиби қонунчиликда ўрнатилган бўлиши ва унда назарда тутилган ҳоллардагина ушбу эҳтиёт чораси қўлланилиши кераклигини назарда тутати. ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган шахснинг суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкинлигини назарда тутувчи норма баҳсли. Бунда “ўринли тахмин” қандай маълумот ёки манбаларга таяниши ҳақида қонунчилик тушунтириш бермаган. Натижада ушбу қоида бир томонлама талқин қилиниши ва яширинишга ҳаракат қилмаётган шахсларнинг ҳам қамоққа олинишига, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг коррупцион ҳаракатни содир этишига сабаб бўлади. Эҳтиёт чоранинг мазкур тури бошқаларини қўллаб бўлмаслиги сабабли энг охирги чора сифатида қабул қилиниши керак.

Ушлаб турилиши ёки қамоққа олиниши натижасида озодлигидан маҳрум бўлган шахслар иши судда кўрилиши ҳуқуқига эга бўлиб, бунда суд дарҳол ушлаш қонунийлиги ҳақида қарор чиқаради ёки қонунга хилоф равишда ушланган бўлса, озод қилади. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахснинг шаъни, кадр-қиммати ҳурмат қилиниши, унга нисбатан муносиб муносабатда бўлиниши лозим.

Бундан ташқари, **Халқаро жиноят суди Рим статутининг** [7] 55-моддасида шахс ўзбошимчалик билан ушлаб турилиши ёки қамоқда сақланиши, шунингдек озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Мазкур ҳужжатнинг инглиз тилидаги матнида “arbitrary arrest or detention” сўзларидан фойдаланилган бўлиб, ҳужжатларда ва адабиётларда бу тушунчаларни турлича талқинда, таржимада кўрамиз. БМТ Бош Ассамблеясининг “Ушланган ёки қамокқа олинган барча шахсларни ҳимоя қилишнинг жамланма принциплари” “arrest” сўзини қилмишни содир этганликда гумон қилиб шахсни ушлаш ҳужжати маъносида ишлатган [8].

Ушбу сўз аксарият манбаларда “ҳибсга олиш” дея таржима қилинган ва унга Конституция ва қонунларимизда ҳам дуч келамиз. Халқаро ҳуқуқда собиқ совет иттифоқи таркибида бўлган давлатлар қонунчилигидан фарқли равишда мазкур термин шахсни ушлашни назарда тутди. Ушбу ҳужжатнинг 59-моддаси мазмунига кўра, шахсни қамокқа олиш тўғрисида келиб тушган ордерни қабул қилиб олган иштирокчи-давлат дарҳол тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши лозим, яъни ушланган шахс дарҳол ваколатли суд органига етказилади. Ваколатли суд эса иштирокчи-давлат ҳудудидаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда ордернинг ҳақиқатдан ҳам мазкур шахсга нисбатан чиқарилганини, ушлаш жараёни белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда олиб борилгани, шахснинг ҳуқуқлари таъминланганини текширади.

Мазкур тартиб миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, бунда назорат прокурорларга юклатилган. ЖПКнинг 225-моддасида ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шартлиги мустаҳкамланган. Бунда прокурор ушлаб турилганларни сақланишининг қонунийлиги, шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Аммо, судларнинг гумон қилинувчиларни ушлаб туриш асослилиги ёки қонунийлигини текширишлари юзасидан қонунчилигимизда аниқ нормаларни топа олмаймиз.

Процессуалист олим С.А.Пашин қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллашда айблов ёки гумоннинг асослилигини текшириш суднинг вазифасига кириши кераклигини билдириб ўтган [9].

Бунда суд шахснинг айбдорлиги масаласини эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари хатти-ҳаракатлари асослилигидан келиб чиқиб текширади. У.Ҳ.Шарипов ҳам худди шу масалага тўхталиб, ўз илмий ишида судлар бу борада асосларни етарлича ўрганмаётгани юзасидан эътирозлар ҳам мавжуд [10]. Бизнингча, ушбу қонидани қонун доирасида судларнинг вазифаси сифатида белгилаб қўйиш ва қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш асосларини аниқ кўрсатиш зарур. Бунда шахсни ушлаш ва ушлаб туришнинг ноқонунийлиги, гумоннинг асоссизлиги рад қилиш учун асос сифатида аниқ белгиланиши лозим.

Тадқиқотимиз доирасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг бор-йўғи 10 фоизигина “Судлар томонидан гумон қилинувчиларга нисбатан қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашни рад этишига асосан нима сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайсиз?”, дея берилган саволга ушлаб туришнинг асоссизлигини белгилашган. Бундан келиб чиқадики, бу турдаги илтимосномаларни кўриб чиқишда гумон қилинувчиларнинг белгиланган тартибда ушланганлиги ёки ушлаб турилганлиги судлар томонидан етарлича ўрганилмайди ёки бу жараён рисоладагидек амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қуйи тузилмалари томонидан Республикаимиздаги Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига 2023 йилда 9051 шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган бўлса, уларнинг ҳимоячилари томонидан жами 135 та гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят келиб тушган, бу кўрсаткич 2024 йил 6 ойида 7260 нафар гумон қилинувчига нисбатан 79 тани ташкил этган.

Бу рақамлар салмоқли бўлмасада, ушлаб турилган гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинмаётганидан дарак беради. Шунингдек, “Суд томонидан гумон қилинувчиларга нисбатан қamoққа олиш ёки уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашда ушлаб туришнинг қонуний ва асослиги ўрганиладими? Ун баллдан келиб чиқиб, бу ўрганишни қандай баҳолайсиз?” деган саволимизга респондентларнинг 51,7 фоизигина юқори балли белгилагани ҳам ўрганилаётган масаланинг жиддий эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмаганча у айбсиз ҳисобланиши ҳам назарда тутилган.

Маъқомга кўра, ўзига нисбатан тергов юритилаётган шахс [11]:

- айбини тан олиш ёки ўзига қарши кўрсатув беришга мажбурланиши мумкин эмас;
- ҳар қандай кўринишдаги босим, таҳдид, шахс кадр-қиммати таъсир кўрсатувчи муомала турларига учрамаслиги керак;
- сўроқ ўтказилаётган тилни билмаса ёки яхши билмаса, таржимон хизматидан фойдаланиш;
- асоссиз ушлаб турилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, тергов жараёнида сўроқ қилинишидан олдин шахснинг қуйидаги ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим:

а) жинойтнинг айнан у томонидан содир этилганлиги тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги;

б) сукут сақлаш, бунда шахснинг сукут сақлаши унинг айбдор ёки айбсиз эканлигини аниқлашда инобатга олинмаслиги керак;

с) ўзининг танлови бўйича юридик ёрдам олиш, зарур ҳолларда тайинланган юридик ёрдамни олиш ва агарда етарли маблағи бўлмаса, бу ёрдам учун тўлов қилмаслик;

д) адвокат иштирокида сўроқ қилинишини талаб қилиш.

Бу ҳуқуқларни тушунтириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, терговни амалга оширувчи органларнинг мажбурияти саналади. Баъзи олимлар ҳаттоки бу ҳуқуқларни шахсга ёзма равишда тушунтириш кераклигини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган қонундан унга кўчирма тақдим қилиниши кераклигини таъкидлашади [12].

Е.В.Сопнева ҳам шу мазмундаги таклифни бериб ўтган [13]. Олимларнинг фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда, гумон қилинувчилар ўз ҳуқуқлари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган алоҳида ҳужжатнинг тақдим этилишини жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтганда ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда халқаро меъёрларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши келгусида одил судловни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Электрон манба
<https://lex.uz/docs/6445145>
2. <http://www.isrs.uz/uz/election/fukarolarning-sajlov-ukuklarini-isoncli-imoalasning-ukukij-asoslari>
3. Чутбаев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. -14б.
4. Universal Declaration of Human Rights. https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt
5. Г.З.Тўлаганова. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланилиши муаммолари. юрид. ... фан. ном. Илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2005, -17б.
6. Голдер Бирлашган Қиролликка қарши, № 4451/70 шикоят, 1975 йил 21 февралдаги қарор, 36-банд. <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/07/Criminal-Process-in-Uzbekistan-Interactive.pdf>
7. Rome Statute of the International Criminal Court. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf)
8. International human rights instruments. <https://www.unodc.org/e4j/en/terrorism/module-10/key-issues/international-human-rights-instruments.html>
9. Пашин С.А. Санкционирование ареста судом. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=32486497#pos=3:-110
10. Шарипов У.Х. Жиноят процессида ушлаб туришнинг амалий тавсифи. -95б. <https://law.tadqiqot.uz/index.php/law/article/download/52/46>
11. <https://www.icc-cpi.int/resource-library/documents/rs-eng.pdf>
12. Жариков Ю.С. Процессуальное документирование при производстве дознания и предварительного следствия: Автореферат. дисс. канд. юрид. наук. М. -1997.
13. Сопнева Е.В. Механизм введения подозреваемого в уголовное дело: перспективный взгляд. <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-vvedeniya-podozrevaemogo-v-ugolovnoe-delo-perspektivnyy-vzglyad>